

«Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб, (бунга ҳам) қодир бўлмасанг, ёнбошлаб», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам доимо тик туриб намоз ўқиганлар.

Албатта, намоздаги қиём унга қодир бўлганларга фарз. Ожиз бўлганларга фарз эмас.

Нафл намозларда қиём фарз эмас.

Қиёмнинг чегараси – турган ҳолда чўзилган қўл тиззага етмаслигидир. Агар қўлни чўзганда тиззасига тегиб қолса, тик турган бўлмайди ва намознинг қиёмини бажармаган бўлади.

Қиёмнинг фарз миқдори такбири таҳрима айтиш, Фотиҳа сурасини ва зам сурани ўқиш миқдоричадир.

Олинганда намозхон йиқилиб кетадиган даражада бирор нарсага суюнган бўлса, қиём бўлмайди. Узрли бўлса, майли.

Қип-яланғоч бўлиб қолган одамдан намозда қиёмнинг фарзлиги соқит бўлади.

Турли беморликлар сабабли қиёмга қодир бўлмаса ёки тик турса дарди зиёда бўладиган бўлса ҳам қиёмнинг фарзлиги соқит бўлади.

Тик турса душман кўриб қолишидан кўрққан одамдан ҳам қиёмнинг фарзлиги соқит бўлади.

Бемор одам қиёмга қодир бўлса-ю, рукуъ ва саждага қодир бўлмаса, унга қиём лозим эмас. Ўтириб, имо билан намоз ўқиса бўлаверади.

Намозни бошлаган пайтда соғ бўлган одам намоз ўқиётганида беморлик ориз бўлиб, қиёмга қодир бўлмай қолса, намозини ўтириб давом эттиради.

Ўтириб намоз ўқиётган одам соғайиб, тик туришга қодир бўлиб қолса, намозини тик туриб давом эттиради.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди